

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚУТҚАРУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН
ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Юллиев Нуриддин Жуманазарович

*ИИВ Академияси Жанговар ва жисмоний
тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчи-мураббийи
e-mail: akrom.mir1988@gmail.com*

Аннотация: Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди.

Калим сўзлар: инновацион технологиялар, методология, модернизация, ахборот, педагогик технология, модел.

Одатда модернизация жараёнида машиналар, дастгоҳлар, ишлаб чиқариш куроллари ҳамда технологик жараёнлар янгиланади. Бироқ, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологияларнинг ривожи туфайли жамият ҳам ривожланишининг муайян босқичидан янада такомиллашган босқичга ўтади. Фалсафий талқинда ифода этганда микдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига айланади. Ўрта асрларда аграр характер касб этган жамият илм-фан, техника, саноат ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан индустрialiал жамиятга айлани.

Ижтимоий модернизация жамиятнинг ижтимоий тизимдан очик фуқаролик жамиятига айланишини англатади. Ушбу турдаги модернизация негизида жамиятнинг ижтимоий қатламларида умумий ёки хусусий характердаги янгиланишлар содир бўлади. Жумладан, таълим соҳадаги янгиланишлар ҳам шулар жумласидандир.

Таълим тизимининг модернизацияси – жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши.

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезлиқда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий

жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга кўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Технология (юонон. “techne” – маҳорат, санъат, “logos” – тушунча, таълимот) – муайян (ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ва б.) жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши Таълим технологияси (ингл. “an educational technology”) – таълим (ўқитиши) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойищалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш Таълим методи – ўкув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўкув предметини ўқитишининг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими.

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишидан фарқли ўлароқ, таълим технологияси талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у талабаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўкув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Таълим технологиясининг марказий муаммоси – таълим оловчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Ўз моҳиятига кўра педагогик технология вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган щамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимни ифодалайди. Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ва АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Мазкур ғоя 30- йилларда таълим жараёнига “педагогик техника” (“таълим техникиаси”) тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврларда яратилган маҳсус адабиётларда “педагогик (таълим) техника(си)” тушунчаси “ўкув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси” тарзида талқин этилди ҳамда ўкув жараёнига ўкув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини

кўрсатмали куроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея баҳоланди.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга қатъий амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият манфаатлари билан уйғун бўлишига эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Эндиликда педагог талабалар фаолиятини авторитар (якка ҳокимлик) тарзида бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик ғояларига содиқлик асосида таълим жараёнини инсонийлаштириди ёки бошқача айтсан, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Айни пайтда инновацион фаолият бўйича бир қатор камчиликлар мавжудлигини қайд этиш жоиз. Биринчидан, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лозим даражада эмас, илмий-тадқиқот муассасалар ва лабораториялар фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаганлиги; иккинчидан, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш паст даражада эканлиги; учинчидан, инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга оширишга қодир юқори малакали мутахассисларнинг этишмаслиги; тўртинчидан, илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш самарали ва шаффоф эмас, бюджетдан ташқари ва хусусий жамғармалар маблағларини жалб этишни рафбатлантириш механизмлари мавжуд эмаслиги.

“Инновацион фаолият тўғрисида”ги Конунида инновация, инновацион инфратузилма, инновацион лойиҳа, инновацион фаолият, инновациялар яратиш учун давлат буюртмаси, технологиялар трансфери, янги ишланма каби тушунчаларга изоҳ берилади. Жумладан, “инновация — фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоийиқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма” деб, таъриф берилган бўлса, “инновацион фаолият — янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият” деб, таърифланади.

Педагогик технология эса инсонга таълим ва тарбия беришнинг илмий асосланган, инсон тафаккурига, яъни таълим берувчи ва таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган жараёнлар мажмуидир. Педагогик технологияни доимий бир хил ҳолда (ҳатто маълум қисқа вақт оралиғида ҳам), яъни олдиндан лойиҳалаштирилган жараён деб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, педагогик технологияни бир қолипга сиғадиган, аниқ бир ўзгармас лойиҳа деб бўлмайди. Чунки ҳар бир аудитория, ҳар бир гуруҳ учун

тингловчиларнинг маълумоти, илмий салоҳияти, ёши, жинси ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда, керак бўлса гуруҳдаги ҳар бир тингловчи учун алоҳида педагогик ёндошув ва унинг технологияси талаб этилади. Масалан, педагог бир мавзуни мактаб болаларига бошқа технология асосида, олий ўқув юрти талабаларига бошқа технологияда, ишлаб чиқаришдаги муҳандис-техник ходимларга бошқа ва олий ўқув юрти педагогларига бошқа технология асосида ўтиши талаб этилади. Шунингдек, олдиндан маълум бир гуруҳда дарс ўтишда, педагогнинг олдиндан лойиҳалаштириб келган дарс ўтиш технологияси, аудиториянинг тайёргарлиги, ундаги савол-жавоблар натижасида юзага келадиган вазиятлар асосида ўзгариши ҳам мумкин. Шундагина педагог аниқ кўзланган натижа - яъни ўз билимини тингловчилар тафаккурига етказиб, уларда ривожлантирувчи фаол фаолият уйғота олади. Менимча ўқитишдан мақсад, тингловчига олдиндан аниқ, бор нарсани ўргатиш эмас, балки ўқишини ўргатишидир. Чунки, биз бугун талабага ўргатаётган техник воситалар, айниқса ахборот –коммуникация тизим техникалари тезда маънавий эскиради, демак битириувчи ўзи мустақил ўқиб, янги техник воситалар билан ишлаш сирларини билиши, шунга ўзида амалий қўнишка ҳосил қилиши лозим.

Шунингдек, фан ривожи олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларидағи олимларнинг фаолиятига, ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигига, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилишига боғлиқдир. Таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларини қўлланилиши кадрлар сифатига салмоқли таъсир кўрсатади. Инновацион педагогик технологияларни ривожланиши эса бевосита ахборот технологиялари ривожига, улардан таълим берувчилар ва олувчиларнинг фойдалана билиш даражасига боғлиқдир. Демак, педагогик технологияларни ривожи кадрлар тайёрлаш сифатига, кадрлар сифати эса ишлаб чиқариш технологияларини такомиллашувига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, ахборот технологиялари ривожи асосида такомиллашиб бориши, шунингдек ахборотлар макони таълим ва ишлаб чиқариш маълумотлари билан бойитилиб борилиши зарурдир. Юқорида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳамда ахборот, педагогик ва ишлаб чиқариш технологиялари ўртасидаги боғлиқлик схематик равишида келтирилган.

Олий таълимда ўқитишнинг ташкилий формаси деб таълим жараёнида ўқувчи билан ўқитувчининг турли вариантлардаги ўзаро педагогик мулоқати тушунилади. Маълумки, олий ўқув юртларида таълим жараёнининг ташкилий формаси маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, талабаларнинг мустақил ишлари ва турли амалиётлардан ташкил топган. Ҳар қандай ташкилий форма таълим мақсади, мазмuni ва бошқа элементларни ўз

ичига олган таълим моделини аниқлайди. Таълимнинг ташкилий формаси таълим моделининг моҳиятини очиб беради. Таълим модели ва ташкилий форма ўртасидаги бундай симметрик боғланиш профессор-ўқитувчига ўзининг касбий муҳитида кўплаб тенденцияларни фарқлашга ҳамда ўз фаолиятида таълим жараёнини қандай ташкил этишни тўғри танлашга ёрдам беради. Ҳозирги замонавий таълим жараёнода таълим модели ва ташкилий формаси ўртасидаги бундай боғланишни кўрсатувчи кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, юқори суръатда ривожланаётган очиқ масофавий таълим бошқа таълим моделларида учрамайдиган янги, жумладан виртуал тьюториал, синхрон видеоконференция кабиларни ўз ичига олган ташкилий шаклларни юзага келтирди. Лекин, олий таълим ташкилий шаклларининг ташкил этувчи элементлари номи қандай янги шакл олмасин, барибир асосий элементлар бўлиб маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, семинарлар, мустақил ишлар ва амалиётлар бўлиб қолмоқда ва булар ичида маъруза талабаларни назарий билим олишларида, амалий кўникмалар ҳамда малакаларини шакллантиришларида муҳим ўрин тутмоқда. Маърузаларнинг турли кўринишлардаги шакллари таълим жараёнода ўзига хос йўналиш касб этиб, талабада билишнинг анъанавий мантиқий кетма-кетлигини (қабул қилиш, тушуниш, уқищ, фикрлаш, қайта ишлаш, мустаҳкамлаш) ҳосил бўлишига олиб келади. Шу сабабли, олий таълимда ўқиладиган маърузаларнинг сифати таълим сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуқадиров, Абдукаххор Абдувакилевич. Масофали уқитиш назарияси ва амалиёти. монография / А. А. Абдуқадиров, А. Х. Пардаев; ред. М. Содикова. - Т. : Узбекистон республикаси фанлар Академияси " ФАН " нашриёти, 2009. - 145 б.
2. Арипов М.М. ва бошқалар. Информатика, информацион технологиилар, 2-қисм.-Тошкент, «ТДТУ», 2003, 430б.
3. Андреев А. А. Введение в дистанционное обучение. Учебно-методическое пособие. — М.: ВУ, 1997 г.
4. Ахаян А.А. Виртуальный педагогический вуз. Теория становления. - СПб.: Изд-во "Корифей", 2001. - 170 с.
5. Басовская Н.И. Может ли лекция быть непроблемной?: Педагогическое эссе. – М.:РГГУ, 2006 г.
6. Дистанционное обучение в каталоге ссылок Open Directory Project (dmoz).
7. Достоинства и недостатки дистанционного обучения // "Образование: путь к успеху". - Уфа., 2010.

8. Зайченко Т.П. Основы дистанционного обучения: Теоретико-практический базис: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2004. - 167 с.

